

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR

JOCAA

VOLUME I, ISSUE 8

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

JOURNAL OF CULTURE AND ART

КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

OCTOBER

2023



ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 8-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-8

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-8

ТОШКЕНТ – 2023

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 8 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-8>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим
Козимович
Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов
Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз
Турабович
Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна
нутқи” кафедраси доценти

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, Санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил
изланувчи (PhD)

Алланбаев Рудакий
Оринбаевич
Зиявутдинова Зулфия
Усеиновна
Раимова Дилфузахон
Махаммадсолиевна
Ботирова Хилола
Турсунбаевна

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”
медали соҳиби, профессор в.в.б

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Маданият ва санъат” журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти , 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

РАХМАТУЛЛАЕВА Асалхон Гайратовна*Санъатишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)**Камолиддин Бехзод номидаги**Миллий рассомлик ва дизайн институти**“Санъат тарихи ва назарияси” кафедраси катта ўқитувчиси*<https://doi.org/10.5281/zenodo.10021547>

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ: АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙНИНГ “ШОҲНОМА” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАР (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ХАЗИНАСИДАН)

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёмалар хазинасида сақланувчи Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари қўлёмаларига ишланган миниатюраларнинг айрим намуналари таҳлил этилган. Миниатюралардаги асосий сюжетлар, кўп тарқалган анъанавий мавзулар, уларни ишлаган мусаввирларнинг ижодий фаолияти кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: Абулқосим Фирдавсий, “Шоҳнома”, қўлёмза, миниатюра, сюжет, мавзу, рассом, музей, фонд.

КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА: МИНИАТЮРЫ ПО РУКОПИСЯМ ПРОИЗВЕДЕНИЯ АБУЛКАСИМА ФИРДОУСИ “ШАХНАМЕ” (ИЗ СОКРОВИЩНИЦЫ РУКОПИСЕЙ ИНСТИТУТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН)

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются образцы миниатюр рукописей «Шахнаме» Абулкасыма Фирдоуси, хранящихся в рукописной сокровищнице Института востоковедения Академии Наук Республики Узбекистан. Рассмотрены основные сюжеты в миниатюрах, общие традиционные темы, творчество художников, работавших над ними.

Ключевые слова: Абулкасым Фирдоуси, «Шахнаме», рукопись, миниатюра, сюжет, тема, художник, музей, фонд.

**CULTURAL HERITAGE OF UZBEKISTAN: MINIATURES WORKED ON THE
MANUSCRIPTS OF ABULKOSIM FIRDAVSI'S MASTERPIECE
(FROM THE MANUSCRIPT TREASURY OF THE INSTITUTE OF ORIENTAL
STUDIES OF THE ACADEMY OF SCIENCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN)**

ANNOTATION

The article analyzes samples of miniatures of Abulkasim Firdavsi's "Shakhname" manuscripts stored in the manuscript treasury of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. The main plots in miniatures, common traditional themes, creativity of the artists who worked on them are considered.

Key words: Abulkasim Firdavsi, "Shakhname", manuscript, miniature, plot, theme, artist, museum, fund.

Буюк шоир, тарихчи мутафаккир олим Абулқосим Фирдавсийнинг "Шохнома" асари қўлёзмалари ва уларга ишланган миниатюралар бутун жаҳонда, жумладан, Россия Миллий кутубхонасида, Туркиянинг Турк ва Ислон асарлари музейи каби ноёб фондлар, қўплаб нуфузли музей, кутубхона, архивлар, хусусан, республикамиздаги ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтининг хазинасида сақланади.

Фирдавсийнинг "Шохнома" асари Ўрта асрларда сезиларли даражада бузиб, турлича талқин қилинган. Муаллифлик матнининг бир қисми йўқолганлиги тахмин қилинади. Илк маротаба "Шохнома"ни асл ҳолига келтиришга Амир Темурнинг набираси Шохрух Мирзо ўғли Бойсунгур Мирзо томонидан XV аср I-ярмида Хиротда ҳаракат қилинган. Эпопеянинг зийнатланган миниатюралар билан нусха кўринишида тайёрланган варианты 1426 йили дунё юзини кўрди.

1217 йилга тегишли машҳур Флоренция қўлёзмасидан ташқари, XIV асргача бўлган даврдаги Фирдавсий достонининг нусхалари бизга маълум эмас. Бироқ XIV асрдан бошлаб дунёнинг кўпгина давлат ва шахсий тўпламларида сақланувчи мўтабар қўлёзмалар қайд этилган. Ҳар бир қўлёзма ўзининг ноёб тарихига эга, уларнинг вақт ва маконда кўчиб юриши қандай бўйича тарихий шахсларнинг номлари билан боғлиқ. Бизларгача етиб келгани 1333 йилги Санкт-Петербург ва XIII асрнинг иккинчи ярмига тегишли бўлган Лондон қўлёзмаси нисбатан тўлиқ қадимий нусхалардан ҳисобланади.

"Шохнома" асарига жуда кўплаб миниатюралар ишланган. Шулардан энг машҳур сюжетлар ҳикоядаги образлар ҳаётидаги қаҳрамонлик жасоратлари, муҳаббат саргузаштлари ва фоживий вазиятлар билан боғлиқ.

Матенадаран арабграфик қўлёзмалар фондида "Шохнома"нинг Бойсунгур Мирзо муқаддимасини ўз ичига олган тўлиқ нусхаси ўзининг келиб чиқиш тарихи ва кодикологик параметрларининг юқори даражаси билан таширф буюрувчиларнинг эътиборини тортади. Бу "Шохнома" қўлёзмаси тўпламнинг раритети, яъни нодир асари ҳисобланади.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтининг хазинасида сақланувчи XV-XVII асрларга оид бўлган 2 та қўлёзманинг биринчиси Шарқда форс тилида сўзлашувчи халқ қаҳрамонлик эпосининг шеърӣй вариантини намоён этувчи, қадимги Эрон ва Туроний қабилалари ҳаётининг турли томонларини тасвирловчи, X асрнинг ўрталаридаги афсонавий Каюмарсдан то араблар томонидан Эронни босиб олишгача бўлган катта тарихий даврни қамраб олувчи қўлёзма ҳисобланади. Баъзи варақлар унвонлар ва қўлёзмалар учун бўш қолдирилган. Қўлёзма ажойиб нозик иш бўлиб, тилла ва ҳаворанг билан очартирилган таркибига ўхшаш икки фронтиспис билан безатилган. Қўлёзмада 116 та миниатюра мавжуд. Улардан бештаси икки нафар рассом номини ўз ичига олади, булар Муҳаммад Мурод ва Мурод Самарқандийлардир [1, Б.141].

Қўлёзмани кўплаб миниатюралар билан тўлдириш биров кейинроқ содир бўлган, баъзи тадқиқотчилар буни XVI-XVII асрлар оралиғига тегишли дейишади, бошқалари эса ушбу жараёни 1615 йилдан кейинги давр билан боғлашади. Бу ерда диққатга сазовор ҳолат шуки, бешта миниатюрада рассом Муҳаммад Мурод Самарқандийнинг имзоси мавжуд.

Ушбу хазинадан ўрин олган яна бир қўлёзмининг 16 ва 116 варақларида “Шоҳнома”нинг кириш қисмида “Бойсунғур” муқаддимаси мавжуд. Шеърнинг фақат дастлабки икки қисмини ўз ичига олган ва Маҳун Сури ҳақидаги ҳикоя билан яқунланади. Баъзи саҳифаларда миниатюралар ва сарлавҳалар учун очиқ жойлари мавжуд. Ушбу асар муқоваси Мулла Муҳаммад Умар саҳҳофга тегишли. 136 ва 14а варақларида тилладан нозик зарварақ мавжуд бўлиб, у вақт мобайнида шикастланган. 189б варағида лавҳа ва муҳр бор. 189а варағидаги унвон тилладан ишланган ва чизилган. Қўлёзмани 65 та миниатюра безатиб туради.

Муҳаммад Муқим Абдулазизхон даврида, назаримизда, ўз лавозими бўйича юқори ва жуда сермахсул бўлган, ундан кўпгина имзоланган миниатюралар мерос бўлиб қолган. Хусусан, у 1664 йил Бухорода Абдулазизхон даврида бажарилган, ЎЗР ФА ШИ фондида сақланувчи “Шоҳнома”нинг бой рўйхатидаги уч нафар миниатюристлардан бири бўлган эди.

Қайд этилган 1668-1671 йиллардаги “Хамса” рўйхатидан ташқари, у миниатюрочи рассом Муҳаммад-Салим билан биргаликда ўша йилларда Бухорода бажарилган Фирдавсий достони қўлёзмаси ва унинг кейинги қисмларини безади. Муҳаммад Муқим номи 1664 йилги “Шоҳнома”нинг узоқ йиллар номаълум қолган қўлёзмасидан топилган. Тарихий манбаларнинг бирида Абд ал-Азизхон ва унинг акаси ҳамда вориси Субхонқулихон (1681-1702)нинг Бухоро сарой кутубхонаси миниатюрочилари эслатиб ўтилган, улар ичида юқорида тилга олинган - Хўжа-Муқим (аниқки, ўша Муҳаммад-Муқим), Аваз-Муҳаммад ва Мулло-Беҳзод, шунингдек, рассом Хўжа-Гадоёлар учрайди. XVII асрда яратилган асарларнинг баъзилари уларни яратган рассомларнинг номлари билан аталган, аммо асосий қисми имзоланмаган. Ўрта Осиё миниатюралари ўз тадрижий ривожланишида миниатюра рангтасвирининг янги даврга киришидан гувоҳлик беради. Ўтган даврнинг бадиий йўналишлари билан ажралмас алоқани сақлаб қолган ҳолда у янги қирраларини ҳам кашф этади.

Иллюстрацияланган қўлёзмалар доираси аввалгидек эди – Шарқ шеърятининг мумтоз асарлари, тарихий хроникалар, баъзан табиий-илмий асарлар. Ўтган асрларда мўлжалланган миниатюра рангтасвирини демократлаштириш содда лавҳалар тарзида узатилган халқ мотивларига, эртак ёки насиҳатомуз-маиший сюжетларга мурожаат қилган Ўрта Осиё миниатюрочиларининг ўша гуруҳлари ижодида ўсиб боради. Бошқа рассомлар Беҳзод каби мумтоз меъёрларга риоя қилишади, лекин уларни бирмунча янгиланган тарзда тортиқ этадилар ва романтик услубни ривожлантирадилар.

Учинчилари, “беҳзодчилар”га хос чизиқлар ва ранглар мукамаллигини сақлаган ҳолда, ўз миниатюраларига шакл ифодасининг қандайдир жўшқинлигини, ишоранинг бўрттирилган динамикасини, бўёқлар жилосини олиб қирадилар. Тўртинчилари хинд миниатюралари стилистикасига мурожаат этиб, рангтасвир методларини янгилашни излайдилар. Турли миниатюрочилар томонидан безатилган битта ва худди ўша қўлёзмада гоҳо турли бадиий услублар гавдаланади.

Биз томонимиздан жалб этилган ушбу китобдаги намуналар турли услубли ва ҳар ҳолда бутун бир бадиий мактабга тегишли ижодий йўналишлар таъсирида безатилган. 1602-1603 йиллардаги “Шоҳнома” каби йирик асарлар миниатюраларида шу ва шунга ўхшаш усулларни кўриш мумкин [2, Б.13].

“Шоҳнома” асарига ишланган кўплаб миниатюралардан энг маишхур сюжетлар ҳикоядаги образлар ҳаётидаги қаҳрамонлик жасоратлари, муҳаббат саргузаштлари ва фоживий вазиятлар билан боғлиқ.

Ўрта аср мутафаккирлари дostonларининг қўлёмаларига турли даврларда, турли мактабларда рассомлар томонидан ишланган миниатюралар орасида бир мавзу ва сюжетга қайта-қайта мурожаат қилиш каби ҳолатлар бўлган. Миниатюраларчи рассомлар қайси даврда ва қайси миниатюра мактабларида ижод қилишмасин, анъанавий бўлиб қолган, кўп қайтарилувчи тасвирларни чизганлар. Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари қўлёмасига ишланган миниатюралар орасида энг кўп тарқалган сюжетлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

“Рустамнинг туғилиши”, “Барбаднинг Хусрав ҳузурида куй ижро этгани”, “Сиёвушнинг оловда синалиши”, “Бузуржмихр Ануширвон ҳузурида ҳинд элчиси билан шахмат ўйнамоқда”, “Рустам Бахман томонидан ўзига отилган тошни улоқтирмоқда”, “Искандар мотами”, “Исфандиёр элчиси Рустам билан” ва бошқалар.

Сейистонлик баҳодир Рустами Дoston “Шоҳнома”нинг бош қаҳрамонларидан ҳисобланади. У Эрон ҳарбий кучларининг таянчи, ўз ватани ва шоҳига чексиз садоқати билан яққол кўзга ташланиб туради. Фирдавсий Рустам образини ёрқин бўёқларда тасвирлайди, уни йирик планда кўрсатади. Ушбу қаҳрамоннинг енгилмас ва мағрур табиатли баҳодир эканлигини унинг туғилишидаёқ “фил танли гўдак” деб берилган таърифдан англаш мумкин.

ЎзР ФА ШИ хазинасидаги миниатюралар намуналари Ўрта Осиё рассомлари салмоқли ҳисса қўшган мусулмон Шарқи тасвирий санъатининг бу жанри ривожи ҳақида яққол тасаввур беради.

“Шоҳнома” қўлёмаси миниатюралари орасида қуйидаги “Сухроб Хажирдан Рустам кўринишини тасвирлаб беришни сўрамоқда”, “Феридуннинг ўғиллари Яман шоҳи қизларини кидирмоқдалар”, “Сиёвушнинг Кайковусдан Афросиёбнинг ҳийла-найранглари ҳақидаги хатни қабул қилиши”, “Хермет Хум Афросиёбни ёрда яширинган ҳолда топди”, “Рустам бўрининг уясида” каби ранг-баранг мавзудаги сюжетлар ҳам учрайди [5].

Хулоса сифатида айтиш жоизки, “Шоҳнома”нинг бизгача етиб келган энг қадимий безакли қўлёмалари XIV асрнинг I ярмига тегишли бўлиб, уларнинг анчагина қисми яхши ҳолатда эмаслиги аниқланган. Уларнинг миниатюралар тасвирланган кўплаб варақлари дунё музейлари, кутубхоналари ва шахсий тўпламларда сақланади. Кўпинча варақлар ўз жойига эмас, яхши сақланган саҳифаларга жойлаштирилган, баъзи миниатюралар тасвирланган қисмлари тескари томондан матнни ёпиб қўювчи зич қоғозга ёпиштирилган. Тўлиқ бўлмаган қўлёммага оид кўплаб варақларнинг, хаттоки қаердалиги ҳам номаълум. Уларни ўрганишда ҳам баъзи қийинчиликлар мавжуд, баъзан эса бунинг умуман иложи йўқ. Айниқса, қўлёмалардан қирқиб олинган айрим миниатюралар мазмунини матнсиз аниқ таҳлил этиб бўлмайди. Бундай вазиятда “Шоҳнома” учун яратилган, чокидан ажралиб кетмаган иккита илк қўлёмаларни ёритиш аҳамиятга эгадир.

Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаридаги сюжет ва образларнинг миниатюрадаги талқини борасида айтиш мумкинки, XIII асрдан бошлаб “Шоҳнома” дostonи қўлёмаларига Табриз, Исфаҳон, Шероз, Ҳирот, Марв, Тошкент, Дехли, Самарқанд шаҳарларида турли услубларда ижод қилувчи рассомлар миниатюралар яратганлар. “Шоҳнома” асари учун яратилган илк қўлёмалардаги миниатюралардаги сюжетлар саҳифани тўлиқ қопламаган. XIV асрлардан кейинги даврларда ишланган иллюстрацияларда тасвирлар варақ юзасини тўлиқлигича қоплай бошлайди.

XV асрларда соддароқ кўринишга эга бўлган сюжетлар кейинчалик XVII асрларга келиб қўшимча буюмлар, деталлар, иккинчи даражали образлар, сюжет ғоясини, драматизмни кучайтириш мақсадида тасвирланган безаклар, колоритдаги ранг-баранглик билан бойитила бошлайди. Илк миниатюралардаги образлар аввалига матнга мослаб, қайси қаҳрамон ҳақида сўз бораётган бўлса, ўша жойда айнан ўша образ тасвирланган бўлса, кейинчалик рассомлар бу ҳақда ўйламай қўйишади.

Асар матнининг ғоясидан ва мавзудан келиб чиқиб эмас, балки асосий эътиборни китобнинг чиройли ва безакли кўринишига, саҳифалар гўзаллигига, миниатюралар кўринишида нафис жойлаштирилганига қаратишган. Баъзан матн ғояси айнан ўша вараққа эмас, бир неча саҳифа ўтказиб чизилган. Бора-бора варақлар хошияси, баъзан матн орасида ҳам турли безаклар пайдо бўла бошлайди.

Миниатюраларда тасвирланаётган сюжет ва образлар ифодасида доим ҳам дoston матнининг айнан ўзидан келиб чиқилмаган. Баъзан, иллюстрация мазмунини етказиб бериш учун, қўшимча буюмлар, матнда айтилмаган ҳолатлар, қутилмаган вазиятларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, “Сарв дарахти япроқларига беркинган Барбад шоҳ Парвиз учун чалмоқда ва куйламоқда” номли иллюстрацияда Барбад сарв дарахтидан кўринган ҳолатда ўтирибди. Бу ҳолат матн мазмунидан четга чиқилганини билдиради, ва агар миниатюрада Барбад кўрсатилмаганда эди, сюжет асосий қаҳрамонсиз тасвирланган бўларди.

Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари кўлёмаларига ишланган миниатюраларда асосий сюжет ва образларнинг шаклланиши асардаги воқеа-ҳодисаларнинг ривожини каби ҳаётини, жўшқин ва ранг-барангдир. Ушбу жараёнларни асосан Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондидаги кўлёмма миниатюраларида кўриш мумкин. “Шоҳнома” яратилганидан бошлаб турли даврлардаги юзлаб хаттотлар уни қайта-қайта кўчирганлар, рассомлар турли расмлар билан беаганлар, мусаввирлар ҳар бир дostonнинг мавзуйига кўра расмлар ишлаганлар. Булар рассомларнинг мумтоз миниатюра санъати тараққиётига қўшган муҳим ҳиссасидир.

IQTIBOSLAR/СНОСКИ/REFERENCES

1. Oriental miniatures. V.1.: The 14th-17th centuries. - Т., 2001.
2. Пугаченкова Г. А. Среднеазиатские миниатюры (XVI—XVIII веков в избранных образцах). - Ташкент, 1994.
3. «Шоҳнома». Тўлиқ нусхаси. Матенадаран арабографик қўлёзмалар фонди. № 535. 1830.
4. Қўлёзма - ИНВ 1811. 964/1556-1557 йиллар (ф. 552в).
5. Қўлёзма - ИНВ 3463. 1075/10, 1664 йиллар (ф. 189р).

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 8-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-8

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-8

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz